БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши
№ 47 (12.400)

Якшанба, 24 февраль 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.

ТУРСУНОЙ ОХУНОВАНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалиги бюроси Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Киров номли колхознинг бригада бошлиғи, республиканинг донгдор механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунованинг ватанпарварлик ташаббуси тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда ўтган йили ҳар гектардан 45 центнердан пахта олган мўл ҳосилчи бригададан кам ҳосил олаётган бригадага ишга ўтган ҳамда 1963 йилда 81 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ёки ўтган йил бригада шу майдонда олган ҳосилига нисбатан деярли бир ярим баравар кўпроқ пахта етиштириш ва топшириш социалистик мажбуриятини олган Турсуной Охунованинг ватанпарварлик ташаббуси маъқулланди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БЮРОСИДА

Область партия комитетларига ва ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетларига Турсуной Охунова ташаббусининг ватанпарварлик маъносини ва катта хўжалик-сиёсий аҳамиятини бригада, ферма, бўлим, колхоз ва совхоз раҳбарларига кенг тушунтириш, илғор хўжаликлар, бригадалар ва фермаларнинг раҳбарлари ўртоқ Охунованинг шонли ташаббусидан намуна олишлари учун улар орасида тегишли иш олиб бориш топширилди.

Маҳмуд Акромов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси коллективи йил бошидан буён 300 тоннадан мўлроқ тола ишлаб чиқарди. Наманғандаги 2-пахта тозалаш заводининг бу пешқадам бригадаси аъзолари шу кунларда планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш мусобақасини авж олдириб юбордилар. Суратда: Маҳмуд АКРОМОВ.

Е. Корниенко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).



ЁШ ПАХТАКОРЛАРНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ

Ёш механизатор-пахтакорларнинг якинда Тошкентда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ слёти мамлакатимизда пахта етиштиришни янада кўпайтириш ва комплекс механизацияни кенг жорий этиш масалаларини муҳокама қилди. Бу масалалар умумдавлат, умумхалқ вазифаси билан узвий боғланган бўлиб, коммунизм ёш қурувчиларининг партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорларини бажаришга тайёр эканликларини, коммунизм қурувчисига хос ўрин олиш учун уларда буюк интилиш жўш ураётганлигини кўрсатади.

Слёт қатнашчилари Ўрта Осиё, Закавказье республикалари ҳамда Қозоғистоннинг жанубий областлари ёш колхозчиларига, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларига мурожаат қабул қилдилар. Улар чексиз садоқат ва қизғин фарзандлик муҳаббати туйғуларига тўлиб-тошган ҳолда ленинчи Коммунистик партиямиз Марказий Комитетига, қадрдон Н. С. Хрушчевга мактуб йўлладилар.

Ёшларнинг Ватан манфаатини, истиқбол режаларини кўзловчи мурожаатида жуда катта вазифалар илгари сурилди. Бу мурожаатда айтилган фикрлар, белгиланган тадбирлар ва вазифалар ёш деҳқонларнинг ўз зиммаларидаги масъулиятни нақадар чуқур тушунганликларини, улар олға томон дадил ва шижоат билан қадам ташлаётганликларини жуда равшан кўрсатади. Слёт қатнашчилари етти йилликнинг тўрт йили ичида Ўзбекистон ва Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистон, Қирғизистон, Арманистон ва Озарбайжон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари совет пахтачилигини янада юксалтириш йўлида кўпгина ишларни амалга оширганликларини маънунят билан қайд қилдилар.

Бироқ, деб таъкидлайдилар ёш пахтакорлар, **пахта етиштириш етти йиллик планда белгиланган даражадан орқада қолмоқда. Пахтакорлар Ватан олдида катта қарздор бўлиб қолдилар.** Тўрт йил ичида мамлакатнинг пахта етиштирувчи хўжаликлари давлатга белгиланганидан анча кам «оқ олтин» бердилар. Бу ҳол ёшларни жиддий ташвишга солмоқда. Улар ишдаги нуқсонларни тезда бартараф этиб, пахта етиштиришни кескин кўпайтириш учун зарур чоралар кўришни ўзларининг муқаддас ватанпарварлик ва интернационал бурчлари деб билмоқдалар.

Маълумки, мамлакатимизда етиштириладиган пахтанинг асосий қисмини бизнинг республикамиз беради. Бу йил она-Ватанга 3 миллион 566 минг тонна энг қимматли хом ашёни етказиб беришимиз керак. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш, белгиланган марраларни тезроқ эгаллаш мавжуд резервлардан, моддий техника ресурсларидан самарали фойдаланишни талаб этади. Бу талабларни бажаришда, пахтачилик соҳасидаги энг муҳим проблематик масалаларни муваффақиятли ҳал этишда шонли комсомолларимиз ва ёшларимизнинг роли беқиёс катта.

Ёш механизатор-пахтакорлар ўз мурожаатларида, техникадан максимал фойдаланишга эришиш учун, ҳар бир ёшлар бригадаси комплекс механизациялашган бригадага айланиши учун, ҳар бир ёш ишчи ва колхозчи механизаторлик ихтисосини эгаллаши, техниканинг чинакам хўжайини бўлиб қолиши учун қунт билан қурашмоғимиз керак, деб айтган эканлар шунинг ўзи қишлоқ ёшларининг янги, илғор революцион ҳаракатнинг жонкуярлари эканликларини равшан кўрсатади.

Энг муҳим вазифа ҳар бир колхоз ва совхозда гектар бошига камида 25 центнердан пахта етиштиришдан иборат. Бу вазифани ўртоқ Н. С. Хрушчев қишлоқ хўжалик ходимларининг 1961 йилда бўлиб ўтган Тошкент зона кенгашида асосий масала қилиб қўйган эди.

Пахтачиликда чигитни квадрат уялаб экиш ҳукмрон бўлиб қолди. Эндиликда пахта майдонларининг деярли ҳаммасида гўза қатор оралари механизмлар билан ишланмоқда. Алмисоқдан қолган ва деҳқоннинг тинкасини қуритадиган кетмон далаларимиздан улоқтириб ташланди. Лекин бу ҳали ҳамма жойда комплекс механизация кенг жорий этилган, айрим кишиларнинг техникани ривожлантиришга сусткашлик билан қараши каби эскилик қолдиқлари узил-кесил тугатилган деган гап эмас. Шунинг учун ҳам комсомол ташкилотлари илгарилаб боришимизга ҳалал берадиган ҳар қандай уринишларни фош этиб ташлашлари, илғор прогрессив янгиликларни дадил қўллаб-қувватлашлари, қишлоқ ёшларини техникага муҳаббат ва ҳақиқий курашчилар руҳида тарбиялашлари зарур.

Қишлоқ хўжалигида илғор тажриба мактабларини ўтган ва пахтачиликни ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш усулларини мукаммал билиб олган тадбиркор, билимдон, эҳтиросли кишилар кўплаб етишди. Уларнинг номини ҳаммамиз фахр билан тилга оламиз. Лекин улар қатори янги кишилар билан канча кўп тўлиб турса, муваффақиятларимиз шунча кўп бўлаверади. Шуни ҳисобга олиб қишлоқ область ва ишлаб чиқариш бошқармалари комсомол ташкилотлари ёшларнинг машъалалар тажрибасини ўрганиб олишларида яқиндан ёрдам беришлари керак.

Ҳозирги пайтда устьлабинскликлар ва янгийўлликларнинг ажойиб ташаббуси умумхалқ мусобақасининг тағин ҳам зўр куч билан авж олиб кетишида жуда катта роль ўйнади. Ишлаб чиқариш бошқармалари, колхоз ва совхозлар, бўлим ва бригадаларнинг коллективлари ўз зиммаларига конкрет социалистик мажбуриятлар олиб, бутун куч-ғайратларини бу мажбуриятларни бажаришга сафарбар этмоқдалар.

Ёш механизатор-пахтакорларнинг Бутуниттифоқ слёти қатнашчилари мамлакатдаги пахтакор республикаларнинг барча механизаторлари, колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларига қуйидаги оташин сўзлар билан мурожаат қилдилар: **Қадрли дўстлар! Мамлакатга ғалла, металл, нефть, химия маҳсулотлари қаторида пахта ҳам керак. Пахтага эҳтиёж йил сайин тобора ошиб бормоқда. Мамлакат пахтакорларининг муқаддас бурчи «оқ олтин» етиштиришни кўпайтириш юзасидан партия топшириқларини муваффақиятли бажаришдан иборатдир. Айрим бригада ва звеналар доирасида тарқоқ ҳолда ҳаракат қилмасдан, балки биргалашиб, кенг жабҳа бўйлаб ҳаракат қилсак, қимматли тажрибанинг ҳар бир томчисидан ҳаммани баҳраманд қилсак, белгиланган марраларга шунчалик тез эришамиз.**

Ёш механизатор-пахтакорларнинг бу чақиригига муносиб жавоб бериш, пахта етиштиришдек зарбдор фронтда олдинги сафларни эгаллаш Ўзбекистон комсомолларининг, барча йигит-қизларимизнинг муқаддас бурчидир.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ДОКТОР У. ДЮБУАГА ТАБРИГИ

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Гана пойтахти Аккрага «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотининг лауреати доктор Уильям Дюбуага табрик телеграммаси юборди, уни 95 ёшга кирганлиги билан қизғин табриклади ҳамда унга чин кўнгилдан сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва инсониятнинг порлоқ истиқболи йўлидаги олижаноб фаолиятида янги куч-қувват тилади.

Совет Иттифоқи халқлари ва бутун дунёдаги прогрессив кучлар, дейилади телеграммада, Сизни атоқли олим ҳамда қўллик ва зулмга қарши муросасиз курашчи сифатида яхши биладилар ва гоят қадрлайдилар. (ТАСС).

Ўзбекистон КП Марказий Комитетида

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БРИГАДАЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик бюроси Андижон область Учқўрғон районидаги Охунбобоев номли биринчи ўрта мактаб 9 — 11-синфлари ўқувчиларининг ўқув-ишлаб чиқариш бригадаси тажрибасини маъқуллади.

Марказий Комитет бюроси қарорида шу нарса таъкидландики, ўқувчиларни ҳозирги замон механизациялаштирилган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида иштирок этиши учун малакали қилиб тайёрлаш қишлоқ мактаби шароитида катта аҳамиятга эгадир, шу мақсадда қишлоқ ўрта мактабларида тузилган ўқув-ишлаб чиқариш бригадалари ўзини оқлади ва бу — ўқувчиларни қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлайдиган қилиб тарбиялашнинг муҳим формасидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси Охунбобоев номли 1-мактабнинг ишлаб чиқариш таълими тажрибасини маъқуллади ва қишлоқ область партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Маориф министрлиги, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва унинг жойлардаги органлари зиммасига бу ижобий тажрибани кенг ёйиш, қишлоқлардаги ишлаб чиқариш таълими берадиган барча ўрта мактабларда ўқув-ишлаб чиқариш бригадалари ташкил этиш ва бу бригадаларда ўқувчиларга механизатор-пахтакор, далачилик механизатори, механизатор-сабзавотчи, механизатор-боғбон, механизатор-чорвадор ва бошқа қишлоқ хўжалик мутахассисликларини ўргатиш, бу бригадаларнинг ишини ўрта умумий таълим меҳнат политехника мактаблари ўқувчиларига ишлаб чиқариш таълими бериш тўғрисидаги Низомга мувофиқ ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Қарорда ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш бригадалари аъзоларининг меҳнат фаолиятига қишлоқ хўжалик артели аъзолари вазифасини бажариш деб қаралади ва қилинган ишга қараб ҳақ тўланади деб кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, қарорда агар ўқув-ишлаб чиқариш бригадаси ишлари графиги бузиладиган бўлса, ўқувчиларни бошқа қишлоқ хўжалик ишларига сафарбар этмаслик тавсия қилинди.

Қишлоқ область партия комитетларига, ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларига, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига, Маориф министрлиги ҳамда Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бюроси Охунбобоев номли 1-мактабнинг ишлаб чиқариш таълими тажрибасини маъқуллади ва қишлоқ область партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари, Маориф министрлиги, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва унинг жойлардаги органларига барча қишлоқ ўрта мактабларида ишлаб чиқариш таълимининг аҳволини 1 апрелга қадар ўрганиб чиқиш ва камчиликларни тугатиш чораларини кўриш, ҳамма мактабларни мутахассислар ҳисобига ўқитувчи кадрлар билан тўла таъминлаш, мактабларнинг ўқув-ишлаб чиқариш бригадаларига ер участкалари ва қишлоқ хўжалик техникасини бириктириб қўйиш, бу бригадаларга уруғлик ва ўғит ажратиб бериш, мунтазам ёрдам кўрсатиш вазифаси топширилди.

(Газетамиз тегишли саҳифасида Охунбобоев номли мактаб ўқув-ишлаб чиқариш бригадасининг тажрибаси ёритилган).

КЎКЛАМ ЭКИШИГА ҲАММА НАРСА ТАХТ БЎЛСИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Партия-давлат контроли комитетининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Партия-давлат контроли комитети ўз мажлисида Андижон областининг Балиқчи колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасида кўкламги экишга тайёргарликнинг боришини муҳокама қилди. Ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи А. Ҳошимовнинг ва бошқарма партия комитети секретари А. Тожибоевнинг ахборотлари тингланди.

Комитет инспекторлар билан бирга жамоатчиликнинг кўпгина вакиллари қатнашган текширув материалларига асосланиб, Балиқчи ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли хўжаликларда йўл қўйиб бўлмайдиган бепарволик вазияти вужудга келганлигини, бунинг натижасида экишга тайёргарлик ишлари барбод бўлиш хавфи остида қолганлигини аниқлади.

Техника ва ишчи кучлари етарли бўлганига қарамай 20 февралгача бошқарма хўжаликлари чигит ва бошқа экинлар экиш учун ажратилган ер майдонларининг атиги 30 процентини ҳайдаб қўйганлар. Ер ҳайдаш сифати ниҳоятда паст. Масалан, «Ленинград» ва «Коммунизм» колхозларида, «Мингбулоқ» совхозида айрим участкаларда кўкламги ер ҳайдаш 10 сантиметрдан 20 сантиметргача чуқурликда ўтказилиб, ерга минерал ва маҳаллий ўғитлар солинмаган. Карталарнинг бурчакларни ва чеккалари ҳайдалмай қолган. Ернинг шўрини ювиш плани 20 февралгача умуман бошқармада фақат 19 процент, Куйбишев номли, Ленин номли ва Киров номли колхозларда эса 2-3 процент бажарилган, холос. Яхоб бериш ишларининг сўръати ниҳоятда суст. Хўжаликлараро сугориш шохобчаларини тозалаш ишлари бошқармага қарашли ўн олти хўжаликдан фақат бештасидагина бошланган. Шу бошқарма хўжаликлари учун айниқса катта аҳамиятга эга бўлган хўжалик ички сугориш ва коллектор-зовур шохобчаларини тозалаш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмаган. Ҳатто илиқ кунларда ҳам каналларни тозалашга кам киши чиқарилмоқда. Далаларга маҳаллий ва минерал ўғит ташиш жуда ёмон ташкил этилган.

Текшириш вақтида кўкламги экишга тайёргарликнинг бориши ҳақидаги ҳисоботларда кўзбўямачилик фактлари аниқланди. Масалан, «Ленинград» колхозида икки бригаданинг маълумотида далаларга чиқарилган ўғитларнинг миқдори 61 тонна ошириб кўрсатилган. Сугориш шохобчалари ва коллекторларни тозалаш ҳақидаги маълумотлар бажарилган ишларнинг сифатини ҳисобга олмай тузилмоқда.

Балиқчи бошқармаси техникани ремонт қилишдек масъулиятли ишда ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйган. Ремонт қилиш учун мастерскойга келтирилган 249 та чопиқ трактордан текшириш пайтигача фақат 66 таси ремонтдан чиқарилган эди. 110 та пахта сеялкасидан 29 таси ремонт қилинган. Техниканинг сифатсиз ремонт қилинишига йўл қўйилмоқда. Текшириш ўтказувчилар «Ленинград» колхозининг Чинобод мастерскойида ремонт қилинган саккизта чопиқ тракторининг ҳар қайсисида кўпгина жиддий нуқсонларни топдилар. Шу колхозда ремонтдан чиқарилган деб ҳисобланувчи йигирмата пахта сеялкасидан бирортаси ҳам далага чиқариш учун тайёр эмас. «Мингбулоқ» совхозида ҳам аҳвол шунга ўхшаш бўлиб чиқди.

Бошқарма механизатор кадрлар тайёрлаш учун вақтни қўлдан бой бермоқда. Экиш экипажлари составига киритилган пахтакорларнинг ўқиши шу вақтгача бошланмаган.

Партия-давлат контроли комитети Балиқчи ишлаб чиқариш бошқармасининг ва Андижон область ижроия комитетининг раҳбарларига бу бошқарма хўжаликларининг экишга тайёргарликдаги қолоқлиги йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол эканлигини кўрсатди. Аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва экишга тайёргарлик ишларини тамомлаш тугаллаш учун бир ой муддат белгиланди. Шу муддат ўтгандан сўнг бошқарма раҳбарларининг ҳисоботини яна тинглашга қарор қилинди. Комитет Балиқчи ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи А. Ҳошимовни ва партия комитети секретари А. Тожибоевни, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш Андижон область бошқармасининг бошлиғи Г. Д. Авагумовни огоҳлантирдики, агар юқорида кўрсатилган муддатгача хўжаликлардаги ишларнинг аҳволи кескин суратда яхшиланмаса, уларга нисбатан қаттиқ жазо чораси кўрилади.

Партия-давлат контроли комитети қабул қилган қарорда февраль — март ойларида республиканинг ҳамма колхоз ва совхозларида, «Узсельхозтехника» органларида ва бошқа ташкилотларда кўкламги экишга тайёргарликни ёппасига текшириб чиқишни зарур деб топди. Бу текширишга жамоатчилик, партия-давлат контролига кўмаклашиш группалари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари кенг жалб этилади. Текширишнинг асосий вазифаси — аниқланган камчиликларни шу жойнинг ўзида оператив бартараф қилишдан, колхозчиларни ва совхоз ишчиларини экишга тайёргарлик ишлари суръатини тезлаштиришга, экишни қисқа муддатларда ва агротехника жиҳатидан юксак даражада ўтказишга сафарбар қилишдан иборатдир.

Партия-давлат контроли комитети 1963 йилнинг биринчи ярми учун ўзининг иш планини тасдиқлади.

(ЎзТАГ).

СОЦИАЛИСТИК ВАТАННИНГ ҚУДРАТЛИ ВА ИШОНЧЛИ ПОСБОНИ

КРЕМЛЬ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

□ □

22 февраль. Кремлдаги Съездлар саройи. Саҳнада — Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси, Қуролли Кучларимизнинг ташкилотчиси Владимир Ильич Ленин портрети. Жанговар шуҳрат қозонган байроқлар олдида қўшинлар ҳамма турларининг вакиллари фахрий қоровулда турибдилар. «1918—1963» рақамлари порлаб турибди.

Соат 17. Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косыгин, А. И. Микоян, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, В. В. Гришин, Л. Н. Ефремов, Ю. В. Андропов, В. И. Поляков, Б. Н. Пономарев, А. П. Рудаков, В. Н. Титов, А. Н. Шелепин ўртоқлар президиумга чиқ қанларида залдагилар уларни қизғин, гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Президиумга СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский, Совет Иттифоқи маршали А. А. Гречко, М. В. Захаров, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали А. А. Епишев, Совет Иттифоқи маршаллари С. С. Бирюзов, В. И. Чуйков, авиация бош маршали К. А. Вершинин, флот адмирали С. Г. Горшков, авиация маршали В. А. Судец, Совет Иттифоқи маршаллари И. Х. Баграмян, С. М. Будённий, К. Е. Ворошилов, А. И. Еременко, Н. И. Крылов, И. С. Конев, К. С. Москаленко, К. А. Мерецков, В. Д. Соколовский, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари Н. Р. Мироновв, И. Д. Сербин, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Н. Г. Егоричев, министрлар, генераллар ва адмираллар, харбий техникани яратаётган атоқли конструкторлар ҳам чиқадилар. Ҳозир бўлганлар орасида космонавтлар Ю. Гагарин, Г. Титов, А. Николаев, П. Попович ҳам бор.

Тантанали мажлисни Москва Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари А. М. Калашников очади.

Мажлис катнашчилари ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ КПСС Марказий Комитети Президиумини гоят руҳланган ҳолда фахрий президиумга сайлайдилар.

«Социалистик Ватан посбонлигида 45 йил» деган темада доклад қилиш учун сўз СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновскийга берилади.

Р. Я. МАЛИНОВСКИЙ доклади

— Асрлар ўтади,—дейди Маршал Р. Я. Малиновский, — одамлар кўп воқеаларни унутиб юборишади. Лекин бутун инсониятнинг порлоқ истиқболи учун курашда халқимиз ва унинг Қуролли Кучлари кўрсатган қаҳрамонликлар ҳеч қачон унутилмайди, одамларнинг хотирасида мангу яшай беради.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси кўҳна дунёни таг-томиригача ларзага келтирди ҳамда кишилик тараққиётида янги давр — социализм, коммунизм даврини бошлаб берди. Россия ишчилар синфи камбағал деҳқонлар билан биргаликда, Ленин партиясининг раҳбарлигида тарих тизгинини қатъият билан ўз қўлига олди.

Айни маҳалда революциямизнинг ғалабаси унинг кўп сонли душманларида қаттиқ қаҳр-газаб уйғотди. АҚШ, Англия, Франция ва бошқа мамлакатларнинг империалистлари ер шарининг олтидан бир қисмида озодлик тонги болқиб чиққанига тоқат қилиб туришни истамадилар. Улар жонсараклик билан ошиқиб, Октябрь ғалабаларини йўқ қилиб ташлаш ва тарихий воқеаларнинг боришини орқага буриб юборишга бўлган кучни тўплай бошладилар. Америка, инглиз, француз ва бошқа империалистик босқинчилар бизга қарши 14 капиталистик давлатнинг юришини бошлаб, ўша вақтда Советлар республикасини бўғиб ташлашга, Россияни ўз мустамлакаларига айлантиришга жазм қилдилар. Бошқарти халқимиз қўлига қурол олганида, башарти у халқаро ва ички контрреволюциянинг бирлашган кучларига қарши озодлик урушига кўзғалмаганида, улар ана шундай қилган ҳам бўлур эдилар.

Антантанинг юришлари биринкетин амалга оширила берди, бир уруш кампанияси кетидан иккинчиси бошлана берди, тобора янги фронтлар вужудга келиб, ёш Советлар республикасини чулғаб олган ўтли халқа бўлиб бир-бирига туташа берди. Герман империалистлари яраш шартларини бузиб, революцион Петроградга биринчи бўлиб ҳужум бошлади. Улуғ Ленин раҳбарлик қилган қизил-гвардиячи отрядлар герман қўшинларининг ўзларидан устун турган кучларига қаттиқ қаршилик кўрсатиб, 23 февралда Псков ёнида уни жиддий мағлубиятга учратдилар. Ана шу дастлабки жанговар муваффақият Қизил Армиянинг бунёдга келишидан дарак берди. Шундай қилиб, 45 йил муқаддам, интервентларга қарши аёвсиз кураш ўтида жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг Октябрь революцияси ғалабаларини қўриқлашга, меҳнаткашлар социалистик Ватанини ҳимоя қилишга даъват этилган Қуролли Кучлари бунёдга келди.

Очлик ҳам, вайронгарчилик ҳам, эпидемиялар ҳам — ҳеч нарса ғалабага бўлган иродани синдира олмади. Ёш Қизил Армия мамлакатнинг ишчи ва деҳқонлари билан бир ёқадан бош чиқариб, мўъжизакор иш қилди ҳамда интервентларнинг ёлланган галалари билан оқгвардиячиларни батамом тор-мор келтирди, империалистларнинг мамлакатимизга қилган биринчи зўр қуролли ҳужумини даф этди. Ватанимизнинг шоншарафи ва мустақиллигини қаттиқ туриб сақлаб қолди.

Империалистларнинг ёш Совет республикасини йўргакдалик пайтидаёқ бўғиб ташлаш йўлидаги ҳамма уринишлари улар учун ана шундай шармандали тарзда тамом бўлди.

Сўнгра мудофаа министри таъкидлайдики, империалистлар тинч қурилиш йилларида ҳам бизни тинч қўйишни истамадилар. Улар Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини гоҳ-гоҳ қуролли йўл билан синаб турдилар. Улар 1929 йилда Хитой Шарқий темир йўлига ҳужум қилиб кўрдилар, шундан кейин 1938 йилда Хасан кўли ёнида ва 1939 йилда Халхин-Гол дарёси бўйида япон ҳарбийларининг қўли билан ғаразгўйлик ҳаракатларини амалга оширдилар. Ана шу ҳарбий ғаразгўйликларнинг ҳаммаси қандай аянчли натижалар билан тугаганлиги ҳаммага маълум.

Лекин бу сабоқ ҳам империалистларга кор қилмади. Улар яна бир марта Совет Иттифоқига қарши ташлаш учун куч тўплашда давом этдилар. Бундай жиноятқорона сиёсат пировард натижада иккинчи жаҳон урушига олиб келди.

Гитлерчилар бошлаб юборган уруш давлатимиз ва унинг қуролли кучлари учун энг оғир имтиҳон бўлди. Улуғ Ватан уруши Ватанимиз бошдан кечирган ҳамма урушлардан энг машаққатлиси бўлди.

Гитлерчилар Германияси ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани хиёнаткорона равишда бузиб, бизнинг мамлакатимизга уруш эълон қилмасдан ҳужум бошлади. Гитлерчилар Германияси 190 дивизияни, қарийб 5.000 самолётни, 3.500 дан кўпроқ танкни, 50.000 дан ортиқ тўп ва минометни Совет Иттифоқига қарши урушга солди.

Душманнинг қўққисдан қилган ҳужуми мамлакатимиз билан армиямизни бениҳоя оғир шароитга солиб қўйди. Давлат чегараларимизга қалқон бўлиб турган қўшинларимиз агрессорга қаҳрамонона қаршилик кўрсатдилар, лекин душманнинг устун даражадаги кучлари билан тенгсиз курашда одамлар ва техникадан оғир талафотлар бериб, мамлакат ичкарисига чекинишга мажбур бўлдилар. Совет территориясининг талайгина қисмини душман босиб олди ва унинг ҳаётий муҳим марказлари томон ёпирила бошлади. Мамлакат хавф остида қолди.

Мудофаа министри таъкидлайдики, Сталинниг шахсига сиғиниш давридаги оғир шароит урушнинг дастлабки кезларида муваффақиятсизликларга учрашимизга катта сабаб бўлди.

Лекин оғир синовлар Совет Қуролли Кучларининг жанговар руҳини синдира олмади, халқнинг матонатини ва унинг ўз ҳаққоний иши ғалабасига бўлган чексиз ишончини бука олмади. Раҳномси ва раҳбари Коммунистик партия бўлган Совет Қуролли Кучлари жангларда улғайди, мустаҳкамланди ва тобланди. Совет Қуролли Кучлари Гитлер ҳарбий машинасининг қаттиқ зарбаларига чидаш беришгина қолмай, айни маҳалда душманни тўхтатиб қўя олди, шундан кейин эса уни тўла мағлубиятга учратди.

Гитлерчилар Германияси билан империалистик Япониянинг тормор келтирилиши Польша, Руминия, Болгария, Чехословакия, Югославия, Албания, Венгрия, Хитой, Шимолий Корея, Шимолий Вьетнамда халқ ҳокимиятининг ғалаба қилиши учун шарт-шароитлар яратиб берди. Социализм йўлига кириб олган халқлар Совет Армияси билан қўлни-қўлга бериб, ўз ўлкаларини фашист босқинчиларидан тозалашдилар. Социалистик давлатлар қуролли кучларининг қон билан мангуликка мустаҳкамланган жанговар ҳамдўстлиги ана шу курашда тарқиб топди.

(Давоми иккинчи бетда).

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Олтиариқ сайлов округи меҳнаткашларининг вакиллари республика давлат ҳокимияти олий органининг депутатлигига шу округдан номзод бўлган Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Едгор Содиқовна Насриддинова** билан учрашдилар.

Олтиариқ ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари Т. Охунов йиғилишни очиб, ишончли вакил — Бўрболлиқ қишлоқ Советининг раиси Н. Маматқуловага сўз беради. Н. Маматқулова депутатликка номзод Е. С. Насриддинованинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида гапириб берди.

«XXII партсъезд» колхози раиси К. Файзиматов, 1-мактаб ўқитувчиси А. А. Ризаев, «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи К. Охунчаев ва бошқалар сўзга чиқиб, қишлоқ меҳнаткашлари республика Олий Советига ва меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советларига сайловларга тайёргарликни меҳнат ғайрати ва сиёсий активликни ғоят юксалтирган вазиятда ўтказаётганликлари ҳақида гапирдилар. Нотиқлар ҳамма сайловчиларни 3 мартда коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун, шу жумладан партия ва халқнинг содиқ фарзанди Е. С. Насриддинова учун овоз беришга чақирдилар.

Е. С. Насриддинова ўзига кўрсатилган ишонч учун сайловчиларга қизғин ташаккур айтиб, бутун кучимни ва билимимни халқ хизматига, коммунизм қуриш улуғ ишига сарфлайман, деб ваъда берди. (ЎзТАГ).

Советларга Сайловлар алмидан

8 МАРТ

САЙЛОВ ОЛДИ АГИТАЦИЯСИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

● ТЕРМИЗ. **(«Қизил Ўзбекистон» мухбири).** Сурхондарё область партия ташкилотларидаги агитколлективларда 14 мингдан ортиқ агитатор хизмат қилмоқда. Улар сайловчилар орасида коммунистлар билан партиясизлар блокининг муносиб номзодлари учун агитацияни бошлаб юбордилар. Айни пайтда меҳнаткашларнинг сайлов олди социалистик мусобақаси тобора кенг қулоч ёймоқда. Улар сайлов кунини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлаш учун ҳозирлик кўрмоқдалар.

● ФАРҒОНА. **(«Қизил Ўзбекистон» мухбири).** Қишлоқ область партия комитетининг бюроси Киров ишлаб чиқариш бошқармасида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советлар сайловларига тайёргарликнинг бориши ҳақидаги масалани муҳокама қилди. Бу ҳақда бошқарма партия комитети секретарининг ўринбосари Ғ. Абдураҳмонов ва сайлов комиссиясининг раиси К. Исломов ўртоқлар ахборот бердилар.

Бошқармадаги 52 агитколлективга бирлашган 3 мингдан ортиқ агитатор сайлов олди агитациясини кизғин давом эттирмоқда. Сайловчилар ўртасида ҳозиргача 132 марта лекция ўқилди. Агитпункт мудирлари, агитколлектив раҳбарларининг семинарлари мунтазам ўтказилмоқда.

● МОСКВА пахта тозалаш заводи ҳузуридаги агитпункт коллективи сайловга тайёргарликни кучайтириб, ишчи ва хизматчилар ўртасида тушунтириш ишларини кенг суратда олиб бормоқда.

Агитпункт сайловчилар дидига мослаиб жиҳозланди. Бу ерда газета ва журналларнинг янги сонларини, сиёсий-оммабоп бадиий адабиётларни ҳамиша топиш мумкин. Хонага телевизор ва радиоприёмник қўйилган. Сайловчилар бу ерда шахмат ва шашка ўйнаб ҳордиқ чиқаришлари мумкин.

И. АБДУЛЛАЕВ.

БИЗНИНГ НОМЗОДЛАРИМИЗ

ТИКУВЧИ АЁЛ

Наманғандаги Уйчи кўчасида шаҳарнинг йирик корхоналаридан бири — Гагарин номли тикув фабрикасининг цехлари жойлашган. Фабрикада тикилган кийим-кечаклар область ва республиканинг бошқа жойларидаги харидорларга манзур бўлаётир.

Коммунистик меҳнат бригадаси номини олган ўртоқ Ҳамида Полвонова бошлиқ агрегат 2-цехнинг пешқадам коллективи ҳисобланади. Бу ерда ўтган йили пландан ташқари бир неча минг дона болалар шими тикилиб, савдо ташкилотларига жўнатилди.

Фабрика етти йилликнинг тўртинчи йилида йиллик пландан ташқари 42.300 дона кийим-кечак ишлаб чиқарди. Янги йилнинг иккинчи ойи ҳам яхши кўрсаткичлар билан ўтаётир.

Корхона қучоғида бир неча юз ўзбек хотин-қизлари ячеи касб эгалари бўлиб етишдилар. Ойшахон Сотиболдиеванинг фабрикага келганига ўн йил бўлди. Шу вақт ичида у ҳозирги замон тикув агрегатини моҳирлик билан бошқарадиган, кўпгина тикув операцияларини эпчиллик билан бажарадиган коммунистик меҳнат зарбдорларидан бири бўлиб қолди.

Ойшахон ўз касбини севадиган, ҳар бир операцияни пишиқ бажарадиган, ёшларга ҳунар ўргатишдан сира қайтмайдиган инсонлардан биридир. У, фабрикада ва ўзи яшаб турган маҳаллада жамоат ишларида актив қатнашиб келаётир. Унга ҳавас қилган ўнлаб аёллар фабрикага кириб, янги касбларни эгалладилар. Улар ўз меҳнатлари билан коммунистик мўл-кўлчиликни бунёдга келтиришга кўмаклашаётирлар.

Ойшахон фабрикадаги конкрет экономикани ўрганиш тўгарагининг тингловчиси. Ҳар бир машғулотда ўтилган темаларни чуқурроқ ўзлаштириб олишга, меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархини камайтириш, иқтисодий тежаш йўлларини чуқурроқ ўрганишга интилади. Ҳозир у агрегатда 28 операциянинг ярмидан кўпини ўзлаштирди.

Гагарин номли тикув фабрикасининг коллективи ўртоқ О. Сотиболдиевага катта ишонч билдириб, уни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатди. 179-Сардоба сайлов округи округ сайлов комиссияси унинг номзодини рўйхатга олди.

Ойлик планларни муттасил 115-120 процент бажараётган бу оддий ишчи аёл сайловчилар ишончини шараф билан оқлайди.

А. ХАЙРОВ,
«Қизил Ўзбекистон» газетасининг штатсиз бўлими ходими.

ХЕВА ГИЛАМЧИЛАРИ



Ёқутдек товланадиган Хева гиламининг донгини ким эшитмаган. У қайси харидорнинг кўзини қувонтирмаган! Крупская номли гилам тўқиш фабрикасининг қўли гул чеварлари тайёрлаган гиламлар чет элларда ҳам машҳур. Фабрика коллективи сайлов олди мусобақасини қизитиб, январь ойида планга қўшимча 48 минг сўмлик маҳсулот тайёрлади. Корхона коллективи февраль ойи планини ҳам бугун-эрта адо этади. Суратда: фабриканинг илғор ишчиси Шукуржон ЮСУПОВА.

А. РАҲМОНОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.
Н. Муҳаммаджонов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Мухбирларимиз сигнали

ЎҚИТУВЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ҚАНИ?

Мен ўтган йили Самарқанд область Иттифоқ посёлка Советидаги 38-саккиз йиллик мактабга ўқитувчи бўлиб тайинландим. Посёлка Советининг раисидан уй-жой билан таъминлашни илтимос қилдим, аммо ундан натижа чиқмади. Бир йил давомида бировларнинг хонадонида яшашга тўғри келди. Қишда ўтин сўраган эдик, «ўтиндан оғиз очмасангиз ҳам бўлади» деган жавоб олдик. Ўтин учун ажратилган маблағ посёлка Советининг ҳисобида колиб кетди. Шу мактабнинг ўқитувчилари бу йил ҳам ўтин ололганлари йўқ.

Бу йил эса 1-«Ғаллаорол» совхози территориясидаги 22-ўн бир йиллик мактабга ўқитувчи бўлиб ўтдим. Бу ерда аҳвол ундан ҳам баттар. Шу мактабнинг ёш ўқитувчиси Э. Уролов билан бирликда квартира сўраган эдик, квартира берилмади. Шу вақтгача ўтин ҳам берилгани йўқ. Мактабдаги 50 га яқин ўқитувчининг бирортаси ҳам ўтин билан таъминланмади. Бу ҳақда район ташкилотларига ва республика касаба союз ташкилотларига мурожаат қилдик. Ҳалигача ҳеч қандай натижа чикмаяпти.

И. ЎТАЕВ,
Самарқанд область, Богарная станциясидаги 22-мактаб ўқитувчиси.

КУТУБХОНА ҚАЧОН ОЧИЛАДИ?

Колхозимиз марказида туппа-тузук кутубхона бор. Кун бўйи далада меҳнат қилиб, кечқурунлари маданий дам олиш учун бу ерга келган киши кутубхона эшигидаги катта қулфни кўриб, ранжиб қайтиб кетади. Ҳолбуки, бу ерда 6 мингдан ошиқ турли китоб бор. Аммо, бу кутубхона сира ташаббусли кутубхона мудирига ёлчимайди. Бир йил давомида кутубхоначи 4 марта алмаштирилди. Турсун Жўраева ҳам ўз ишига виждонан қарамаяпти. У кутубхона мудираси сифатида 50 сўм маош олади-ю, аммо соясини ҳам кўрсатмайди.

Колхоз правлениеси кутубхонанинг аҳволидан мутлақо хабар олмайди.

Н. РАЖАБОВ,
Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг аъзоси.

ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАР БУРЧИ

А. ҚОДИРОВ,
Тошкент темир йўлининг бошлиғи.

Партия ва ҳукуматимиз халқ хўжалигининг муҳим соҳаси — темир йўл транспортини юксалтиришга ҳамиша катта ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Ўтган тўрт йил мобайнида Тошкент темир йўли хўжалигини янада тараққий эттириш ва техникавий жиҳатдан ускуналашга етти йиллик контроль рақамларида белгиланганидан 40 процент ортиқ капитал маблағ сарфланди.

Капитал маблағ сарфлашнинг кўпайганлиги, бир қатор ташкилий ва техникавий тадбирларнинг амалга оширилганлиги сабабли пассажирлар ташиш тўла равишда ва юк ташишнинг 87 проценти янги техника — тепловозлар ёрдамида бажарилмоқда. Бу эса етти йиллик планда кўрсатилганидан қарийб 4 процент ортиқдир. Маневр ишларида ҳам тепловозлар кенг қўлланилмоқда. Тошкент ва Самарқанд локомотив деполари тепловозларга мослаштириб реконструкция қилинди. Шунингдек, Душанба депосида реконструкциялаш ишлари тугалланай деб қолди. Қўқон депосида ҳам паровозлар ўрнига тепловозлардан фойдаланила бошлайди. Бунинг учун тайёрлик ишлари бошлаб юборилди.

Мавжуд тепловозлардан рационал фойдаланиш, уларнинг ўртача суткалик тезлигини ошириш йўли билан Урсатьевск станциясидан то Маргилонгача бўлган 260 километрдан ортиқ участкада паровозлар ўрнини тепловозлар эгаллади. Локомотивлардан фойдаланиш яхшиланмоқда. Локомотив бригадаларида сменали ишлаш жорий этилди. Тортиш масофалари узайтирилди. Локомотивчилар бригадаларида уч киши ўрнига икки киши ишлайдиган бўлиб қолди.

Кейинги вақтларда юзлаб километр янги темир йўл линиялари фойдаланишга топширилди. Улар орасида Сирдарё—Жиззах линияси ҳам бор. Бу темир йўл линияси Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштириш ва пахтачиликни янада ривожлантириш мақсадларини кўзлаб қурилди.

Халқ хўжалигимизнинг ривожланиши билан ташиладиган юклар ҳам кўпаймоқда. Юк ташишга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётганлиги муносабати билан юк ортиш-тушириш хўжаликларининг қуввати оширилляпти. Кўплаб янги техника, механизмлар ўрнатилаётир. 75 та янги юк ортиш-тушириш механизми ишга туширилди. Бир қатор йирик станцияларда механизациялаштирилган омборлар барпо этилди.

Айрим станциялар ортиладиган юкларнинг хилига қараб ихтисослаштирилмоқда. Масалан, Қнаил тўқимачи станцияси кўмир ортиш ва туширишга, Тошкент-товар станцияси контейнерларга жойлашган юкларни жўнатиш ва қабул қилишга, Собир Раҳимов станцияси эса ёғоч материалларни ортиш ва туширишга мослаштирилди. Кўпгина станцияларда юкларни марказлаштирилган тартибда ташиб келиш ва ташиб кетиш ташкил қилинмоқда. Шу каби тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида юк ортиш-тушириш ишларида механизмлардан фойдаланиш салмоғи 1958 йилдаги 47 процент ўрнига 1962 йилда 66 процентни ташкил этди.

Магистралимиз коллективи КПСС XXII съезди қарорини амалга ошириш учун социалистик мусобақани авж олдириб, 1962 йил топшириғини муддатидан илгари адо этди. Пландан ташқари бир неча юз минг тоннадан ортиқ халқ хўжалиги юклари ортиб жўнатилди. Темир йўл коллективининг муваффақиятига ишлаб чиқариш илғорлари, коммунистик меҳнат ҳаракатининг қатнашчилари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Урсатьевск станциясининг Д. Гавриленко раҳбарлик қилаётган вагон назорат пунити коллективи ажойиб ташаббус кўрсатди. Улар Урсатьевскдан Когонгача бўлган масофада вагонларнинг кўрикдан ўтказилмай ҳаракат қилишини таъминламоқдалар. Бунга вагонларни техника кўригидан сифатли ўтказиш натижасида эришилляпти. Поездларнинг бутун йўл давомида бетўхтов ҳаракат қилишига имкон берадиган бу ташаббус магистралда кенг қулоч ёймоқда.

Тепловоз машинистларидан Т. Сатторов, Р. Грешников, С. Соколов, М. Судаков ва бошқа ўнлаб локомотивчилар мунтазам равишда огир юкли поездларни бошқармоқдалар. Улар бошқарган поездларга ҳар сафар нормадан ташқари 500-600 тонна юк ортилмоқда. Ўтган икки ой мобайнида магистралда огир юкли поездлар ёрдами билан планга қўшимча бир неча юз минг тонна халқ хўжалиги юклари ташилди.

Магистралчилар юк ташиш қувватини янада оширишга қаратилган муҳим тадбирларни ишлаб чиқдилар. Ташкилий, техникавий ва иқтисодий ишларни яхшилашга қаратилган конкрет план тузилиб, магистралнинг ҳамма бўлинмаларига жўнатилди. Бу планда, биринчи навбатда, фойдаланилмаётган резервларни ишга солиш, локомотив паркидан, вагонлардан мумкин қадар самаралироқ фойдаланиш кўзда тутилган. Белгиланган планнинг бажарилиши эксплуатация ишларини тағин ҳам яхшилаш, илғор технология ва прогрессив иш усулларини кенг қўллашга ёрдам беради. Ўрта Осиё республикаларига хизмат кўрсатадиган магистралимиз коллективи меҳнат унумдорлигини ошириш ва юк ташиш таннархини арзонлаштириш учун мусобақани кучайтириб юборди.


Ўзбекистон Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги билан ҳамкорликда юк ташишнинг энг тежамли усуллари қўлланилмоқда. Халқ хўжалиги юкларини марказлаштирилган тартибда ташишнинг жорий этилганлиги ана шу фикримизнинг далилидир. Юкларни контейнерларда ташишга кўпроқ эътибор берила бошлади. Бу усул юк ташишни анча арзонлаштиради.

Қишлоқ хўжалиги, саноат ва қурилишга партия раҳбарлигининг тобора яхшиланаётганлиги халқ хўжалигига транспорт хизмати кўрсатиш соҳасидаги камчиликларнинг тезлик билан бартараф қилинишига ёрдам беради. Бу ўринда юк тушириш ишларини ҳамма чоралар билан тезлаштириш ва вагонларнинг бекор туришини камайтириш жуда муҳим эканлигини алоҳида қайд қилиб ўтмоқ керак. Темир йўл станцияларида ҳар куни кўплаб вагонлар бўшатилмай қоляпти. Олтинтопган комбинатига кириш йўлида вагонлар айниқса маҳтал бўлмоқда. «Ўзбекуголь» комбинати, Тошкент уй қуриш комбинати адресига келган вагонлар ҳам узоқ вақт бўшатилмай тураверади. Натижада бу корхоналар икки томонлама зарар кўрмоқдалар. Биринчидан, вагонларни турғазиб қўйганликлари учун анчагина миқдорда жарима тўламоқдалар. Иккинчидан, бу аҳвол бошқа корхоналарда юк ортиш ишларининг суръатига ёмон таъсир қилаётир.

Йўллар министрлигининг буйруғи билан Тошкент ва Ашхобод темир йўллари битта магистралга бирлаштирилди. Бу тадбир Ўрта Осиё халқ хўжалигини тағин ҳам юксалтиришга ёрдам беради.

Рўй-рост айтиш керакки, ҳали ишимизда анчагина камчиликлар мавжуд. Поездлар ҳаракати графиги бажарилмаётир. Пассажирларга хизмат кўрсатиш ҳозирги талаблар даражасидан паст. Техника эксплуатацияси қоидалари айрим ҳолларда бузилляпти. Бу камчиликларни тугатиш, янги резервларни топиш ва улардан оқилона фойдаланиш белгиланган ташкилий-техника ва иқтисодий тадбирларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайди. Коллективнинг эътибори ана шунга қаратилган.

Партия Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми совет халқини КПСС XXII съезди қабул қилган коммунизм қуриш программасини амалга ошириш учун бутун куч ва имкониятларни сафарбар қилишга чақирди. Коммунистик меҳнат ва юксак маданият магистрали номини олиш учун курашаётган Ўрта Осиё темир йўли коллективи партиямизнинг бу чақириғига халқ хўжалигига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш билан жавоб беради.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН пойтахти — Нукусда йилига 36 минг квадрат метр уй-жой майдонини фойдаланишга топшира оладиган уй қуриш комбинати ишга тушди.
Суратда: уй қуриш комбинатининг умумий кўриниши.
Р. Сандов фотоси.

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛБОШЛАЙДИ

«ДАВЛАТ МАБЛАҒИГА ЧАНГ СОЛАЁТГАНЛАР»

Давлат страховаииеси собиқ Свердлов район бўлимининг старший инспектори Муҳаммад Абдураҳмонов ўз лавозимини суиистеъмол қилиб, ветеринария ходимлари, қишлоқ Советининг раис ва секретарларидан иборат бир группа харомхўрлар билан давлат маблағини қонунсиз ўзлаштириш йўлига киргани шу сарлавҳа остида босилган мақолада очиб ташланган эди.

Бухоро область прокуратурасидан хабар қилинишича, район давлат страховаииесининг собиқ бош инспектори Муҳаммад Абдураҳмонов, участка инспектори Қўклам Жаниев қамоққа олинган. Шу кунларда тергов олиб борилмоқда.

«ДАМИНГИЗНИ ЧИҚАРМАНГ»

Газетамизнинг 29 январь сонида «Наштар» рубрикаси остида босилган шу сарлавҳали материалда Паркент сельпосига жойлашиб олган айрим ходимларнинг нопок ишлари фош қилинган эди.

Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретарь ўринбосари ўртоқ А. Койшимановдан қуйидаги жавоб хати олинди:

Партия комитети газета танқиди бўйича текшириш ўтказди. Унда келтирилган фактлар асосан тасдиқланди. Текшириш якуни партия комитетининг 14 февралда бўлиб ўтган бюросида муҳокама қилинди.

Совет савдо қоидасининг бузилишига йўл қўйганлиги учун сельпо раиси М. Мирсаидов қаттиқ огоҳлантирилди. Сельпо савдо мудири Йўлдош Отаевга учет карточкасига ёзиш шарти билан виговор берилди. Омбор мудири А. Йўлдошев эса вазифасидан четлаштирилди ва унга учет карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди.

СОЦИАЛИСТИК ВАТАННИНГ ҚУДРАТЛИ ВА ИШОНЧЛИ ПОСБОНИ

(Боши биринчи бетда)

Улуғ Ватан урушининг ғолибона суратда тугалланиши империализмнинг Ватанимизга қилган ҳужуми батамом емирилганлигидан дарак берди. Капиталистик қулликдан озод бўлган халқнинг кучлари нақадар битмас-тугаимас эканлигини ва бу халқ ўз Ватани озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш йўлида нақадар мисли-сиз қаҳрамонликлар кўрсатишга қодир эканлигини Улуғ Ватан урушининг ғолибона суратда тугалланиши яна бир марта кўрсатди.

Советлар мамлакатининг армияси фуқаролар ва Улуғ Ватан урушларининг оғир синовларидан тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланган ва тобланган ҳолда чиқди. Советлар мамлакатининг армияси бутун инсониятнинг порлоқ истиқболи — коммунизмни барпо қилаётган совет кишиларининг тинч меҳнатини ҳушёрлик билан қўриқловчи чинакам енгилмас армияга айланди.

Шундан сўнг Р. Я. Малиновский айтадики, сўнгги ўн йилликда Қуролли Кучларимизни ривожлантиришда сифат жиҳатидан олдинга қараб зўр силжиш қилинди. КПСС Марказий Комитети ва шахсан Н. С. Хрушчевнинг ташаббуси билан ҳамда уларнинг раҳбарлиги остида қурол-яроғларда, қўшинларни ташкил этишда ва умуман ҳарбий ишда чинакам революцион ўзгаришлар бениҳоя дадиллик билан жуда катта кўламда амалга оширилди.

Совет Иттифоқининг саноат, фан ва техника соҳасида эришган улкан муваффақиятлари Қуролли Кучларнинг янги турини — мамлакат жанговар қудратининг негизи бўлган стратегик аҳамиятдаги ракета қўшинларини барпо қилиш имкониятини бериб қолмай, айни маҳалда Қуролли Кучларнинг ҳамма турларини — ракета-ядро қуроли, мураккаб электроника техникаси ва бошқа энг янги техника билан қуроллантириш имконини ҳам берди.

Ҳарбий саноатда ишлаб турган совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари ва ишчиларининг куч-ғайрати Совет Иттифоқи ва бутун социалистик лагерь хавфсизлигини таъминлашни тўла гарантиялаш учун ёрдам бера оладиган қурол-яроғларнинг хиллари ва турларини яратишга қаратилмоқда. Бизнинг олимларимиз фан-техника соҳасида бир қатор фикрларни илгари сурдиларки, бу фикрларнинг амалга оширилиши қурол-яроғларнинг жанговарлик хусусиятларини кўп баравар кучайтирди, бир қанча ҳолларда эса қурол-яроғларнинг жаҳонда тенги бўлмаган янги турларини яратишга олиб келди. Маршал Малиновский бунинг учун уларга бутун шахсий состав номидан чуқур миннатдорчилик билдиради.

Мудофаа министри қуролимизнинг қудратини таърифлаб айтадики, юз мегатонна қувватга эга бўлган термоядро зарядли қитъалараро ракетанинг фақат биттаси бир неча минг квадрат километр майдондаги барча ҳарбий ва саноат объектларини батамом вайрон қила олади, ана шу ўтакучли зарядниинг портлаши натижасида бир неча юз минг квадрат километр майдонда радиациянинг хавфли дозаларига эга бўлган зона вужудга келиши мумкин. Бундай ракеталар ва зарядлар Ватанимизни ва бошқа социализм мамлакатларини империалистлар ҳужумидан мустаҳкам ҳимоя қилиш ишига яхши хизмат қилмоқда, империалистларни жаҳон уруши бошлаб юбориш шаҳтидан қайтариб турмоқда.

Сўнгги вақтларда стратегик аҳамиятга эга бўлган ракета қўшинларимиз ракеталарга қарши мудофаани муваффақиятли равишда бартараф қилиб ўта оладиган глобал ракеталар билан тобора кўплаб қуроллантирилмоқда. Ана шу мудофаа нақадар кучли бўлмасин, бундай ракеталар мўлжалланган нишонларга муқаррар суратда етиб боради ҳамда ўзининг ажал юкини ана шу нишонларга элтиб қўяди.

Қуруқликдаги қўшинларимиз кўп жиҳатдан ўзгарди. Бу қўшинлар сўнгги йилларда сон жиҳатидан анча қисқартирилди, айни маҳалда уларнинг жанговарлик имкониятлари кўп баравар оширилди. Эндиликда душманнинг бир неча километрдан тортиб неча юзлаб километргача бўлган масофалардаги ҳар қандай объектларини ядро зарядлари билан зарарлантира оладиган ва оператив-тактик аҳамиятга эга бўлган ракеталар қуруқликдаги қўшинлар жанговар қудратининг негизи бўлиб қолди.

Қуруқликдаги қўшинлар составида танкларнинг салмоғи анча кўпайтирилди ва уларнинг жанговарлик фазилатлари яхшиланди. Бизнинг мотўқчи ва танк дивизияларимиз танклар ҳамда ўзиюрар артиллерия установкаларининг сони ва айниқса сифати жиҳатидан энг илғор капиталистик армиялардаги анз шундай дивизиялардан анча устун туради.

Сўнгги йилларда десантчи ҳаво қўшинларимиз сифат жиҳатидан анча ривож топди. Яхши қуролярогларга ҳамда кўплаб юк ортадиган тезучар реактив транспорт самолётлари ва вертолётлардан иборат десант туширувчи замонавий воситаларга эга бўлган ана шу қўшинлар душманнинг орқа томонидаги жуда ички жойларда муҳим вазифаларни ҳал қила олади. Бизнинг ҳарбий транспорт авиациямиз ракеталар, танклар, тўплар ва бронетранспортёрлар сингари замонавий техника турларини ҳаво орқали бир жойдан иккинчи жойга элтиб қўйишга қодирдир.

Мамлакатни ҳаво ҳужумидан мудофаа қилувчи қўшинларнинг қуроллантирилиши ва ташкил этилиши сўнгги ўн йил ичида тубдан ўзгартирилди. Эндиликда бу қўшинларимиз ҳаво ҳужумидан мудофаа қилувчи қўшинлар бўлибгина қолмай, шу билан бирга, ракета ҳужумидан ҳам мудофаа қилувчи қўшинларга айланди. Агрессорнинг ядро билан ҳужум қилувчи замонавий воситаларига қарши курашда ҳамда унинг мамлакатимизга ҳаводан ва космосдан учиб келиш йўлидаги уринишларига қарши курашда Қуролли Кучларнинг бу турига ниҳоятда муҳим эътибор берилмоқда.

Умуман ҳаво ҳужумидан ва ракета ҳужумидан мудофаа қилувчи қўшинларимиз ядро қуролига қарши социалистик Ватанининг ҳамиша мустаҳкам қалқони бўлмоқ учун ҳозирги вақтда ҳамма зарур нарсаларга эгадир.

Сўнгги йилларда Ҳарбий Ҳаво Кучларида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Эскириб қолган жанговар самолётлар батамом замонавий реактив машиналар билан, шу жумладан олис масофаларга овоздан тез учувчи бомбардимончи самолётлар билан алмаштирилди. Бомбардимончи самолётнинг ўрнини ракета ташувчи самолёт эгаллади, ана шу самолёт душманнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа қилувчи воситалари етиб борадиган зонага кирмаган ҳолда, олис масофалардан туриб душманга ғоят аниқлик билан ракета-ядро зарбалари беришга қодирдир.

Бизнинг Ҳарбий Денгиз Флотимизда катта-катта ўзгаришлар содир бўлди. Ҳарбий Денгиз Флотимиз ҳозирги босқичда асосан сув ости флоти бўлиб қолди. Эндиликда турли класслардаги сув ости кемалари Ҳарбий Денгиз Флоти кучларининг асосий тури ҳисобланади. Шу билан бирга, атом двигателлари ўрнатилган, ядро зарядли ракеталар ва торпедалар билан қуролланган сув ости кемалари унинг негизини ташкил қилади.

Бизнинг флотимизда сув ости кемалари билан бир қаторда, денгизда ракета ташувчи ва кемаларга қарши курашувчи авиация кучларининг муҳим тури бўлиб қолди. Бу авиация душманнинг ҳам сув устида сузадиган кемаларини, ҳам сув ости кемаларини денгизда қидириб топиш ва йўқ қилиб ташлашга қодирдир.

Умуман бизнинг Қуролли Кучларимиз ҳозирги вақтда энг замонавий жанговар техника ва қуроллар билан қуроллантирилган.

Шундан сўнг маршал Малиновский бундан буён ҳам Совет Қуролли Кучларининг қудратини мустаҳкамлаш, уларнинг жанговар кобилиятини ва жангга тайёргигини бутун чоралар билан ошира бериш зарурлиги ҳақида гапиради. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг сиёсати, деб таъкидлайди у, термоядро ҳалокатининг бошланиб кетишига йўл қўймаслик қаратилгандир. Совет Иттифоқи қаттиқ халқаро контроль остида ёпласига ва батамом қуролсизланиш амалга оширилишига бундан буён ҳам зўр бериб ҳаракат қила беради. Айни маҳалда биз шуни назарда тутамизки, ҳали империализм мавжуд экан, ҳали империалистик давлатлар қуролсизланишга рози бўлмаётган экан, уларнинг агрессив урушлар бошлаб юбориш хавфи сақланиб қолаверади. Ҳозир ҳар қачонгидан ҳам юксак даражада ҳушёр бўлмоғимиз керак.

Ўзларининг шонли юбилей кунида, дейди ўртоқ Малиновский докладини тамомлаб, Совет Армияси ва Флотининг жангчилари Марказий Комитетни яна бир марта ишонтирадиларки, Ватанинг содиқ посбони бўлган Қуролли Кучлар ўзларининг жанговар постларида ҳушёр бўлиб турибдилар ҳамда партия ва ҳукуматнинг ҳар қандай буйруғини адо этишга ҳамиша тайёрдирлар. Совет халқи коммунистик жамиятнинг нурли бўсиносини осойишталик ва комил ишонч билан қура бериши мумкин.

* * *

Мажлис катнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Совет Қуролли Кучлари жангчиларига табрикномасини зўр эътибор билан тингладилар. Табрикномани КПСС Марказий Комитетининг секретари В. Н. Титов ўқиб берди.

Москва меҳнаткашлари вакилларининг делегацияси номидан мажлис катнашчиларини Биринчи давлат подшипник заводидаги коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи С. С. Минаев табриклайди.

«Звенигородский» совхозининг машинада сут соғиш устаси Л. А. Сисоевага сўз берилади. У, Москва область қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг делегацияси номидан шонли ракетачилар ва артиллериячилар, пиёдалар ва танкчилар, учувчилар ва денгизчиларни — қўшинлар ҳамма турларининг жангчиларини Совет Қуролли Кучларининг 45 йиллиги билан табриклайди.

Пойтахт ёшларининг делегацияси номидан ВЛКСМ Москва шаҳар комитетининг секретари Б. Н. Пастухов сўзлади.

Мажлис катнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

* * *

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг 45 йиллигига бағишланган тантанали мажлислар Ленинград, Киев, Тошкент, Боку, Рига, Душанба, Вильнюс, Ереван, Таллинда ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди. (ТАСС).

1963 йил — Ҳосилга пухта ЗАМИН ЯРАТАЙЛИК!



ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР! *Кўклам яқинлашмоқда* ❋ Экишни энг қулай агротехника муддатларида ўтказиш учун ҳамма нарсани тахт қилиб қўйинг ❋ **Тупроқни яхши ишлаб, унумдорлигини оширинг** ❋ *Ерда намни кўпайтиринг* ❋ Шўрни йўқотинг ❋ Ҳашарот урчимаслиги учун ҳозирдан профилактик тадбирларни кўринг.

★ ★ ★ ★ ★ ★

МЕҲНАТДА ТОБЛАНАЁТГАНЛАР

Андижон область, Учқўрғон районидаги Охунбобоев номли 1- ўрта мактаб 9 — 11-синфлари ўқувчилари ўқув-ишлаб чиқариш бригадасининг тажрибаси

Ўқувчиларни фан асослари билан қуроллантириш, уларда коммунистик дунёқарашни шакллантириш, ўқувчиларни маънавий, жисмоний ва эстетик тарбиялаш билан бир қаторда уларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш, ўсиб келаётган авлодни ҳаётга, ижтимоий-фойдали ишлаб чиқариш меҳнатига тайёрлаш совет мактабининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Юқори синф ўқувчиларини мактабни битиргандан сўнг ҳозирги замон механизациялаштирилган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бирор соҳасида ишлаши учун уларга касб ўргатиш, қишлоқ мактаблари шароитида жуда катта аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда мактабларда ташкил этилган ўқув-ишлаб чиқариш бригадалари ўзини оқлади. Бу бригадалар ўқувчиларни амалий фаолиятга тайёрлашнинг, ўқувчиларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашнинг муҳим формасидир. Ўқувчилар мактабда олган назарий билимларини шундай бригадаларда мустаҳкамлайдилар ва ишлаб чиқаришда қўллайдилар. Шу муносабат билан Андижон область, Учқўрғон районидаги Охунбобоев номли 1-ўрта мактаб юқори синф ўқувчиларининг ўқув ишлаб чиқариш бригадаси тажрибаси кенг оммалаштиришга лойиқдир.

Мактабда 1958 йил баҳорида ўқув ишлаб чиқариш бригадаси ташкил этилган эди. Ўша вақтда бригадага юқори синфларнинг ўқувчиларидан 22 киши кирган эди. «Москва» колхози правлениеси бригадага 10 гектар ер, техника, уруғлик ажратиб берди. Бригада аъзолари бу ерга чигит экдилар ва ғайрат билан ишлаб, гектаридан 30 центнердан пахта олдилар. Ўша йили хўжаликда ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили 24,6 центнерни ташкил қилган эди.

Пил сайин бригада йириклаша борди, кўпроқ майдонда пахта етиштира бошлади, участкада тажриба ишларини олиб бориб, илғор агротехника усулларини қўлланиш туфайли ҳосилдорликнинг ошишига ва пахта таннархининг арзонлашишига эришди. 1959 йилда гектаридан 32 центнердан ҳосил олинди. 1 центнер пахтанинг таннархи 19 сўм 40 тийин бўлди. 1960 йилда бригада 20 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 36 центнердан ҳосил олди. Шу билан бирга бир центнер ҳосил таннархи 14 сўм 30 тийинга тушди.

1961 йилда рекорд ҳосил олинди. Комсомол аъзоси Дилбар Юсупова бошчилик қилган бригада 36 гектар ернинг ҳар гектаридан 43 центнердан ҳосил кўтариб, ҳосилдорлик жиҳатидан Андижон областидаги 45 ўқув-ишлаб чиқариш бригадаси ўртасида биринчиликни эгаллади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Ўрта Осиё республикалари, Озарбайжон ва Жанубий Қозоғистон қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашида бу бригада ишига юксак баҳо берди.

1962 йилда ўқув ишлаб чиқариш бригадасида 122 ўқувчи ишлади. Ҳар бир ўқувчи ҳисобига 0,3 гектар ер тўғри келарди. Ўқувчилар ўтган йили об-ҳавонинг ноқулай келишига қарамай гектаридан 30,6 центнердан пахта олдилар, бу колхозда олинган ўртача ҳосилдан гектар бошига 8,8 центнер кўпдир.

Ўқув ишлаб чиқариш бригадаси муваффақиятларининг сабаби шундаки, биринчидан, мактабда ўқув тарбия ишлари тўғри ташкил этилган. Педагогика коллективи ишлаб чиқариш таълими ташкил этила бошлагандаёқ ўқувчиларнинг ёшини, уларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, назарий ва амалий машғулотларни пухта ўйлаб планлаштирди, ўқувчиларни коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси руҳида тарбиялаб келмоқда.

Мактаб комсомол ташкилоги педагогик коллективнинг энг яқин ёрдамчисидир. Барча фойдали ташаббусларнинг ижодкори бўлган комсомол ташкилоти ўқув-ишлаб чиқариш бригадаси аъзоларининг фаолиятига тўғри раҳбарлик қилмоқда. Бригадада ишловчиларнинг кўпчилиги комсомол аъзосидир. Улар яхши ва аъло ўқимоқдалар, жамоат, спорт ва бошқа ишларда актив қатнашмоқдалар. Ўқувчилар ўртасида ижтимоий-сиёсий темаларда суҳбатлар, қизиқарли кечалар, озиқлантириш базвақт бошланди ва қатор оралари яхшилаб юмшатилди. Мавсум давомида экинлар узунасига деярли олти марта ва кўндалангига тўрт марта парвариш қилинди. Буларнинг ҳаммаси ғўзанинг яхши ривожланишини ва серҳосил бўлишини таъминлади.

Ўқувчилар меҳнат қилиш билан бирга яхши дам олдилар. Далада иш қизғин бўлган каникул даврида ўқувчилар кунига 6 соатдан ишлаб, ҳар 50 минутда танаффус қилдилар. Ўқиш вақтида эса дарсдан сўнг кунига 2 соатдан ишлашади.

Янги ўқув йили бошлангунга қадар ҳамма ўқувчиларнинг дам олишларини таъминлаш учун каникул даврида олдиндан тузилган графикка мувофиқ бригада аъзоларига отпуска берилди. Ўқувчилар ўз отпускаларини лагерларда, экскурсияларда, походларда ўтказадилар.

Ўқув-ишлаб чиқариш бригадасида ишни намунали йўлга қўйишда «Москва» колхози правлениесининг, хусусан правление раиси Ю. Сиддиқов ва партия бюросининг секретари Н. Олимовнинг ҳиссаси каттадир. Мактаб билан колхоз ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Колхозда агитация ва пропаганда ишларини, сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боришда ўқитувчилар колхоз партия ташкилотига ёрдам беришади, колхоз эса ўз навбатида мактабга катта ёрдам кўрсатиб келмоқда. Сўнгги йилларда колхоз мактаб учун устахона, автосинф, теплица, жонли бурчак учун бино қуриб берди, мактаб клубини кенгайтирди, бригада участкасида эса шинамгина дала шийпони қуриб берди. Дала шийпонида телевизор, радиоприёмник, магнитофон бор. Колхоз мактабга тажриба ишлари учун ярим гектар мевазор боғ ажратиб берган.

Колхоз агрономи Д. Бўронов, инженер-механик Г. Қўчқоров, сувчи М. Ёдгоров бригадага катта ёрдам бермоқдалар.

СИРДАРЕ ОБЛАСТИ. Киров ишлаб чиқариш бошқармасидаги Омонгелди номли колхозда бу йил баҳорги экишга 60 трактор, 23 сеялка ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини тайёрлаб қўйиш планлаштирилган. Ҳозир колхоз устахонасида ремонт қизғин боряпти. Суратда: колхоз инженери Манопбек ҚУЛНАЗАРОВ (ўнгда) трактарчи У. ИМОНБЕРДИЕВнинг ремонт қилган трактарини текшириб кўрмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

40 ЦЕНТНЕР БЎЛАДИ

Хева ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхоз аъзолари етти йилликнинг бешинчи йилида экиш майдонларининг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» олишга аҳд қилганлар. Бунинг учун тупроқнинг унумдорлигини оширишга зўр берилмоқда. Колхозчилар барча машина ва араваларни ишга солиб, далага ҳар куни 250-300 тонна маҳаллий ўғит чиқармоқдалар.

Х. ЕВБОСАРОВ.

ЕРГА ЕР ҚЎШИЛЯПТИ

ЖУМА («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Пастдаргом ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашлари янгийўлликлар ташаббусига қўшилиб етти йилликнинг бешинчи йилида 50 минг тонна пахта етиштириш мажбуриятини олдилар. Коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган «Чимбойобод» колхозининг пахтакорлари гектаридан 33 центнердан, «Партия XXII съезди», «Правда», «Москва», «Ленинизм» колхозлари ҳар гектар ердан 28-30 центнердан «оқ олтин» етиштиришга ваъда бердилар.

Бошқармадаги илғори чорвачилик ва галлачилик билан шуғулланиб келган «Улус» ҳамда Ильич номли совхозларнинг ишчилари бу йил 1000 гектар янги ер очиб, пахта етиштиришга отландилар.

ФАН ВА ТЕХНИКА ОЛАМИДА

МАШИНА — АДАБИЙ ТАРЖИМОН

Электрон ҳисоблаш машиналарининг техникага оид асарларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қила олиши ҳақида кўп ёзилган. Бу машиналарда бадиий адабиёт текстларини ҳам таржима қилиш мумкинми? Бадиий сўзнинг кўп мазмунлилиги бу масалани ҳал этишда электрон машиналарни ожиз қилиб қўйган эди. Шунда математика ёрдамга келди.

Бунда бадиий адабиёт текстлари ҳам маълум математик формулаларда ифодаланиб, бу формулалар электрон машиналари учун программа қилиб белгиланиши мумкинлиги ҳисобга олинди.

Ҳозир математик лингвистика чет тилларда нашр қилинадиган кўп техника журналларини тез таржима қилиш, уларнинг мазмунини «хотира»да олиб қолиб, қимматли материалларни мақсадга мувофиқ равишда умумлаштиришда катта хизмат қилмоқда. Ленинград, Киев ва Москва Давлат университетлари қошида махсус математик лингвистика кафедралари ташкил этилди. Шунингдек, Самарқанд Давлат университети қошида ҳам лингвистик статистика бўйича махсус группа тузилди.

Ўрта Осиё республикаларида

ЖАҲОНДА ЭНГ ЙИРИК...

Мирзачўлнинг Тожикистонга қарашли қисмида жаҳонда энг йирик насос станцияси қурилмоқда. Қурилишнинг биринчи навбати ўтган йили битган эди. Сув 170 метр баландга кўтарилиб, қўриқ ердаги «Ленинобод» совхозининг пахта далаларига оқди. Натижада 10 минг гектардан ортиқ ерларни суғориш яхшиланди.

Бу гигант насос станциясини кўз олдингизга келтириш учун унинг ҳажмини айтиш кифоя. Сув чиқарувчи трубанинг диаметри 2 метру 60 сантиметрга тенг бўлиб, унинг ичидан «Волга» машинаси бемалол юриб ўтиши мумкин. Олти агрегатнинг ҳар бири эса секундига 36 кубометр сувни 170 метр баландга кўтариб бера олади.

Ҳозир иншоотнинг иккинчи навбатини қуриш жадал суръат билан бормоқда. Сайлов олди вахтасида туриб ишлаётган И. Жомуродов раҳбарлигидаги бетончилар, В. Шишкин бошлиқ арматурачилар, С. Кучербоев бошчилик қилаётган дурадгорлар бригадалари суръатни сусайтирмаётирлар. Қурилиш тугалланай деб қолди.

Насос станциясининг ишга тушиши билан 50 минг гектар қўриқ ва бўз ер сув билан тўла таъминланади.

ЭЛЕКТР ПАРМА—НЕФТЬ САНОАТИНИНГ КЕЛАЖАГИ

Электр пармалаш тажриба-синов контораси Небит-Дағдаги энг ёш корхоналардан бири. Бу корхонанинг тузилганига ярим йилдан сал ошган бўлса ҳам нефтчиларнинг эътиборини ўзига тортди. Бу ерда Туркманистон нефть саноатига пармалашнинг прогрессив усули — электр парманн қўллаш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Электр парма ёрдамида катта чуқурликдаги мураккаб геологик қатламларни ҳам осонгина пармалаш мумкин.

Ўтган йили Ғарбий Небит-Дағда турбобур бир қанча қудуқларни охиригача пармалай олмаган эди. Электр парма эса аварияснз 3257 метр чуқурликкача қазий олди.

Етти йилликнинг бешинчи йилида ҳам контора коллективи электр парма ёрдамида нефть қудуқлари қазишни давом эттирмоқда. Январь ойи плани муддатидан тўрт кун илгари бажарилди.

95- қидирув қудуғида ишлаётган пармалаш мастери Б. Аннамуродов бригадаси энг юқори ишчаб чиқариш кўрсаткичига эришди.

АВТОМАТ СТАНОКЛАР

«Станоклар қониқарли ишлаяпти!» «Таджиктекстильмаш» заводига Свердловск жун комбинати бош инженеридан шу мазмунда телеграмма келди. Бу корхонада сербар газламалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган «АТ-175-Ш5» автомат станокларининг тажриба намуналари синовдан муваффақиятли ўтди.

Автомат станок тожик машинасозларининг янги маҳсулотидир. Яқинда «Таджиктекстильмаш» заводи бундай станокларни кўплаб ишлаб чиқара бошлайди. Шу йилнинг ўзида янги станоклардан 400 тадан кўпроқ тайёрланади.

Бундан ташқари завод Иттифоқ тўқимачилик фабрикаларига ип газлама ва лён газламалари ишлаб чиқариш учун мўлжалланган сербар газлама тўқиладиган автомат станоклар етказиб бераётир. Йилнинг охиригача тожик машинасозлари яна бир янги «АТ-225-Л» маркали станоклар ишлаб чиқаришни йўлга қўядилар. Бундай станоклар ёрдамида кенглиги 225 сантиметрли газламалар ишлаб чиқариш мумкин бўлади.

Етти йилликнинг бешинчи йилида завод сербар газлама тўқиш учун 2200 автомат станоклар ишлаб чиқаради.

БАРХАНЛАР ЧЕКИНМОҚДА

Аму—Бухоро машина каналини қуриш тўғрисида СССР Министрлар Советининг қарори эълон қилинганидан бери кўп вақт ўтгани йўқ, аммо бўлажак сув йўли трассасида ишлар қизитиб юборилди. Қуйимозор қурилиш-монтаж бошқармасининг бульдозерчиларидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод Қурбон Жумаев ва ҳарбий хизматдан қайтиб келган жангчилар Жумақул Эргашев ва Турсун Хўжаев ўз машиналарини биринчи бўлиб чўлга олиб чиқдилар. Ҳозирги вақтда йигирмадан ортиқ ер қазиш механизмлари қум барханларига штурм қилмоқда.

Олтита кун сайин кўпроқ техника етказиб берилмоқда. Тез вақт ичида бу ерда ўнлаб кучли экскаваторлар ишга тушади. Қурувчилар республика Олий Советига сайлов шарафига меҳнат вахтасида туриб, Аму—Бухоро магистраль канали ўзанининг дастлабки километрларини қазидилар.

(ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚЛАРДА ИЛЬИЧ ЧИРОҚЛАРИ

ТЕРМИЗ. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Ўтган йили 6-қурилиш-монтаж участкаси коллективи Сурхондарё области территориясидаги 7 колхоз ва совхоз қишлоқларини тўла электрлаштирди. 20 дан ошиқ подстанция қурди. 1962 йилда қишлоқларни электрлаштириш ишига 896 минг сўм сарфланди. Бу пландагидан 13 минг сўм кўпдир.

1963 йилда колхоз ва совхозларни электрлаштириш ишига 1 миллион 273 минг сўм маблағ сарфланади. 100 километр масофада юқори вольтли ва 259 километр масофада паст вольтли электр энергияси узатиш линиялари тортилади ҳамда 130 та қишлоқ подстанциялари қурилади. Шу йилнинг тўртинчи кварталида «Оқ сув» ва «2-Ҳазорбоғ» ГЭСлари, электр токи бера бошлайди. 19 колхоз ва 3 совхоз қишлоқларида Ильич чироқлари ёнади. Улар қишлоқларда қуриладиган кичик электростанциялар ва энергопоездлардан ток олади.

Шу кунларда Шўрчи районидаги «Комсомол 30 йиллиги» совхозида электрлаштириш иши тугалланмоқда. Ўртоқ Некрасов бошлиқ электромонтажчилар бригадасининг аъзолари совхоз ишчиларининг уйларини нурафшон қилиб, чорвачилик фермаларини ҳам электрлаштиришга киришдилар.

Раҳимов ва Мараков ўртоқлар бошлиқ электромонтажчилар бригадаларининг коллективлари Шаҳрисабз ва Денов районларидаги колхоз ва совхоз қишлоқларини электрлаштириш ишларини жадал суръатлар билан олиб бормоқдалар.

А. ХАЛИЛОВ.

ШЎРЧИЛИКЛАР АҲДИ

Шўрчи ишлаб чиқариш бошқармаси колхозчилари, совхозларининг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари устьлабинскликлар ва янгийўлликларнинг ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш юзасидан ўз зиммаларига янги мажбуриятлар қабул қилдилар.

Етти йилликнинг бешинчи йилида бошқарма бўйича 91,5 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга қарор қилинди. Бу — планда белгиланганидан 7,5 минг тонна кўп. Жумладан, 20 минг тоннаси ингичка толали «оқ олтин» етиштирилади.

Бошқарма хўжаликларида ҳозир пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан бир-биридан катта фарқ қиладиган звенолар, бригадалар, колхозлар ва бўлимлар бор. Биз қолоқ хўжалик ва бригадаларни илғорлар даражасига кўтариш учун ҳамма чораларни кўрамиз. Бунинг учун тажрибали пахтакор ва ташкилотчи кишиларни бригадаларга бошлиқ қилиб тайинламоқдамиз. Илғор тажрибалар мактабида трактор-далачилик бригадаларининг бошлиқлари ўқитилмоқда.

Экин майдонларининг 80 процентига чигит квадрат-уялаб жойлаштирилади. Ҳамма хўжаликларда экишни 8-10 кун ичида тамомлаш тадбирлари кўрилмоқда.

УСТЬЛАБИНСКЛИКЛАР ВА ЯНГИЙЎЛЛИКЛАРГА ЖАВОБ

□ □

Районда бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳам анча кўпаяди. Дон етиштиришни 3,8 марта, сабзавот ва қовун-тарвуз етиштиришни 3 марта кўпайтиришни мўлжалладик. Маккажўхори, дон-дуккакли экинлар ва қанд лавлаги майдонлари ҳам кенгаяди. Ҳар бир сигир ҳисобига 9-10 тоннадан сийлос бостиришни планлаштирдик.

1963 йилда 4500 тонна гўшт, 7600 тонна сут, 491 тонна жун, 2 миллион 115 минг дона тухум етиштирамиз. Бу — ўтган йил етиштирилганидан анча кўп.

Бошқармамиз чорвадордари ҳар юз совлиқдан юзтадан қўзи, ҳар юз бош сигирдан 85 бузоқ, асосий уруғчи чўчқаларнинг ҳар биридан 20 тадан чўчқа боласи олишни мўлжалламоқдалар. Йил давомида 8500 бош қорамол, 9500 бош чўчқа ва 42500 бош қўй боқиб семиртирилади.

Бошқармамиздаги ҳар бир меҳнаткаш бу мажбуриятларни бажариш учун бошланган социалистик мусобақага актив иштирок этади. Биз қабул қилган мажбуриятимизни шараф билан бажариш учун куч ва ғайратимизни аямаймиз.

Мажбурият Шўрчи ишлаб чиқариш бошқармасидаги колхозлар ва совхозларда муҳокама қилиниб қабул этилган.



БУХОРО ОБЛАСТИ. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш Бухоро билим юртини бу йил 500 дан кўпроқ киши тамомлаб чиқади. Улар ўз ихтисослари бўйича — пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиси, трактарчи, электромеханик бўлиб ишлаш учун республика хўжаликларига жўнаб кетадилар. Суратда: тингловчилар чигитни уяларга белгиланган миқдорда ташлаб кетадиган сеялкани ўрганмоқдалар.

А. Усмонов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ДАЛА ИШЛАРИ ҚУНДАЛИГИ

ЕРНИ ЭКИШГА ТЕЗРОҚ ТАЙЁРЛАЙЛИК

Кўклам яқинлашиб қолди. Баҳорги дала ишлари кучайтириб юборилади дамлар узоқ эмас. Пешқадам хўжаликлар кўкламни шайланиб кутиб олмоқдалар. Бухоро областининг Навоий ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли колхоз ва совхозлар шундоғам ишни аллақачонлари тамомлаганлар. Ҳозир улар ерни текислаб, яхоб бермоқдалар, тупроқнинг шўрини ювиб йўқотмоқдалар. техниканн тайёрлаб қўймоқдалар.

Чигит экиш қисқа муддатда ўтказишни талаб қиладиган кампаниядир. Экиш қанчалик тез ўтказилса, чигит шунчалик эрта ва текис унниб чиқади. Бу иш чўзиб юборилса, ғўзанинг дастлабки парвариши ва ягоналаш орқага сурилади. СоюзНИХИнинг маълумотларига қараганда, ягоналашнинг ўн кун ноч ўтказилиши пахта ҳосилдорлигининг 20 процент камайиб кетишига олиб келади.

Лекин бу оддий ҳақиқат кўпгина колхоз ва совхозларда ҳисобга олинмаяпти. Ана шундай жойларда экишга тайёргарлик, айниқса ер ҳайдаш пайсалга солинмоқда. Республикамизда 20 февралгача ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 200 минг гектардан зиёд ер нам шудгор қилинди. Фарғона ва Хоразм областлари ҳамда Қорақалпоғистон АССРда ер ҳайдаш айниқса орқага сурилмоқда.

Бундай сусткашлик устига бир қатор хўжаликларда ерни экишга тайёрлашда агротехника қоидасининг қўпол равишда бузилишига ҳам йўл қўйилаётир. Фарғона областининг Ленинград, Олтиариқ, Охунбобоев, Андижон областининг Балиқчи, Наманган ишлаб чиқариш бошқармаларидаги кўпчилик хўжаликларда ер ўғитланмасдан шудгор қилинмоқда. Самарқанд областининг Иштихон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Халқобод», Фрунзе номли ва бошқа колхозларда пахта майдони ғўзапояси билан қўшиб ҳайдаб юборияпти. Ҳатто ўтган йили вилт касали тарқалган ерлардаги ғўзапоя ҳам йиғиштириб олинмаётир.

Республикамизда бу йил пахта етиштиришнинг прогрессив агротехникаси янада кенг қулоч ёйдирилади. 1 миллион 60 минг гектар ерга квадрат-уялаб, 320 минг гектар майдонга уруғни белгиланган миқдорда ташлаб нетадиган сеялкалар билан чигит экилади, қарийб ҳамма майдонлардаги ғўза қатор оралари механизмлар билан икки томонлама ишланади. Экишни прогрессив усулда кенг қўламда ўтказиш ва чигитни энг қулай агротехника муддатларида экиб ва текис ундириб олиш кўп жиҳатдан ернинг вақтида, юқори сифатли тайёрланишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам пахта майдонларини ҳозирги ғанимат кунларда чуқур ҳайдаб қўйиш, ҳайдов трактарларидан тўла ва унумли фойдаланиш, трактарчиларнинг ишини икки сменада ташкил этиш, механизаторларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ниятида уларнинг ўз иш натижаларидан моддий манфаатдорлигини кўтариш лозим.

Ерларни ўғитламасдан, айниқса вилт касали билан касалланган майдонларни ғўзапоядан тозаламасдан ҳайдаш ҳосилга путур етказиши аниқ, чунки бундай участкаларда тупроқнинг унумдорлиги кўнгилдагидек бўлмайди, вилт касали кўплаб тарқалади ва бегона ўт кўпайиб кетади. Шунга кўра ерни ҳайдаш олдидан маҳаллий ва минерал ўғит аралашмаси билан, албатта, озиқлантириш, вилт билан зарарланган қатламларни ғўзапоядан яхшилаб тозалаш ва уни ёқиб юбориш зарур.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг VI пленуми етти йилликнинг бешинчи йилида пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг конкрет йўлларини белгилаб берди. Қишлоқ хўжалик ходимларининг республика кенгашида давлатга бу йил 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин» етказиб берамиз, бошқа маҳсулотларни ҳам кўп етиштирамиз, деб сўз бердик. Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ерни экишга барвақт ҳамда юқори сифатли тайёрлаб қўйиш ана шу юксак мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишида катта аҳамиятга эга эканлигини унутмасликлари керак.



МЕН ҲАМ ТОШКЕНТ ФАРЗАНДИ

Қашқарда туғилдим, уйғурлигим рост,
Ҳа, унда бор киндик қоним доласи.
Юракдан соғинчи, меҳри ўчмас ҳеч,
Лекин мен бунда ҳам севимли фарзанд.
Бунда йўқ бўлса-да киндигим қони.

Боғладим бу элга фарзандлик ихлос,
Бу эл меҳрига жой қалбим хонаси, —
Тошкентга дилбандлик аҳд чўғи-ла зич —
Муҳаббат умримни қилмоқдадир банд,
Тошкент фарзандиман, эмас меҳмони.

Не учун оналик ҳақи бўлмасин,
Иссиқ қучоғида қилса тарбият,
Сира аямаса ноз-неъмат, либос,
Гулбезак хонасин берса қадрлаб,
Нега мен ҳам жигар бўлмайин, ахир.

Тошкентни она деб айтмайин нечун!
Айтингиз, бундайин шафқат, мурувват?
Эмасми аслида оналикка хос
Утлари қалбимда ёнмоқда гурлаб,
Шу Тошкент нури-ку кўзимдаги нур.


Мен учун меҳрибон ҳаммангиз мунча,
Бирингиз оғам-у, укам бирингиз.
Бирингиз опа-ю, бирингиз синглим.
Бирингиз дилдорим, бирингиз устоз,
Не десам муҳайё, қилдингиз тайёр.

Юрагим сув ичди сизлардан шунча,
Жигарим баринғиз, бағрим баринғиз,
Билмайман ғам нима, билмайди кўнглим,
Хушнудлик белгиси қўлимдаги соз,
Сиғмайди қувончим ичимга зинҳор.

Дилда зўр орзум бор: Тошкент кўксига
Меҳнатим, ижодим гулларин тақсам,
Қўшилса гулларим кўркам безанка,
Келажак кўркидан эгалласа жой,
Бўлса бу фарзандлик аҳдимдан нишон, —

Мен олган тарбият — таълим ҳақига,
Ёруғ юз-ла Тошкент чеҳрига боқсам,
Етсам бу мақсаду олий тиланка,
Мурод довонларин ошардим ҳормай,
Армон шу, орзу шу, ният шу ҳар он.

Рўзи ҚОДИРИЙ.





В. И. Ленин номидаги Бекобод металлургия заводи республикамиздагина эмас, балки Иттифоқдаги йирик корхоналардан ҳисобланади. Металлургларг фидокорона меҳнатлари билан коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар тайёрлаган металлдан халқ хўжалигимиз учун жуда зарур бўлган хилма-хил машина ва ускуналар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда мамлакатга донг таратган турли касб эгалари мардонавор меҳнат қилаётирлар.

Еш рассом Р. Содиқов яқинда шу корхонада бўлиб, заводнинг манзарасини қаламга олди. Юқоридаги расмда Узбекистон саноатининг кўрки бўлган бу заводнинг умумий кўриниши чизилган. Иккинчи расмда корхонанинг мартен цехи тасвирланади. Учинчи расмда эса прокат цехидаги иш жараёнлари билан танишасиз.

ҲОДИСА

БЕЗОРИ ҚЎЛГА ТУШДИ

«ТНА — 25-50» номерли машина Калинин район маркази томон қўшдек учиб бормоқда. Шофер кўча серқатновлигини ҳам, йўловчиларнинг кўплигини ҳам сезмагандек, ҳамон машинага газ бериб борарди. Худди шу пайт чап томондан чиқиб келган А. Федоровни машина уриб юборди. Безори шофер Федоровга ёрдам кўрсатиш ўрнига машинани тезлатиб, қочиб қолди.

Шу орада хизмат вазифасини ўтаб юрган милиция майори Р. Убайдуллаев жароҳатланган Федоровни тезликда касалхонага жўнатди ҳамда таксида безори шофер кетидан қувлади ва уни қўлга тушириди.

Шофер — В. Манушин эди. Ҳозир унинг устидан тергов олиб борилмоқда.

Т. ОРТИҚОВ,

Милиция старший лейтенанти, «Қизил Узбекистон» газетаси штатсиз бўлимининг мудири.

„КИМГА ТЎЙ, КИМГА АЗА“

ТЕАТР

Давримизнинг энг муҳим проблемаларини б а д и и й умумлаштириш, совет кишилари кўриб ўрнак ва ибрат олса арзийдиган қаҳрамонлар образини яратиш каби қатор масалалар драматург ва театрнинг муқаддас ишидир.

Шу нуқтаи назардан Мукимий номли театр ижодий коллективи яқинда саҳнага қўйган драматург Назир Сафаровнинг «Кимга тўй, кимга аза» спектакли диққатга сазовордир.

Асар ҳаётимизнинг модий бойликларини яратаётган ишчилар синфи ҳаёти, коммунистик келажак ғалабасини тезлатиш учун жанговар кураш олиб бораётган қаҳрамонларимиз ҳақида ҳикоя қилади. Драматург эскилик билан янгилик ўртасида бораётган кескин курашни хаспўшлаб ўтмасдан, аксинча қаттиқ тўқнашувда кўрсата олган.

Асар ва спектаклда ҳозирги куннинг қайноқ нафаси, отаиш руҳи яққол сезилиб турибди: Пьеса қаҳрамонлари Ҳасан, Иван Сергеевич Казаков, Онахон, Зуҳра ва бошқалар жамиятимизнинг моддий-техника базасини яратиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар тайёрлаган металлдан халқ хўжалигимиз учун жуда зарур бўлган хилма-хил машина ва ускуналар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда мамлакатга донг таратган турли касб эгалари мардонавор меҳнат қилаётирлар.

Еш рассом Р. Содиқов яқинда шу корхонада бўлиб, заводнинг манзарасини қаламга олди. Юқоридаги расмда Узбекистон саноатининг кўрки бўлган бу заводнинг умумий кўриниши чизилган. Иккинчи расмда корхонанинг мартен цехи тасвирланади. Учинчи расмда эса прокат цехидаги иш жараёнлари билан танишасиз.

ҲОДИСА

БЕЗОРИ ҚЎЛГА ТУШДИ

«ТНА — 25-50» номерли машина Калинин район маркази томон қўшдек учиб бормоқда. Шофер кўча серқатновлигини ҳам, йўловчиларнинг кўплигини ҳам сезмагандек, ҳамон машинага газ бериб борарди. Худди шу пайт чап томондан чиқиб келган А. Федоровни машина уриб юборди. Безори шофер Федоровга ёрдам кўрсатиш ўрнига машинани тезлатиб, қочиб қолди.

Шу орада хизмат вазифасини ўтаб юрган милиция майори Р. Убайдуллаев жароҳатланган Федоровни тезликда касалхонага жўнатди ҳамда таксида безори шофер кетидан қувлади ва уни қўлга тушириди.

Шофер — В. Манушин эди. Ҳозир унинг устидан тергов олиб борилмоқда.

Т. ОРТИҚОВ,

Милиция старший лейтенанти, «Қизил Узбекистон» газетаси штатсиз бўлимининг мудири.

В. И. Ленин номидаги Бекобод металлургия заводи республикамиздагина эмас, балки Иттифоқдаги йирик корхоналардан ҳисобланади. Металлургларг фидокорона меҳнатлари билан коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар тайёрлаган металлдан халқ хўжалигимиз учун жуда зарур бўлган хилма-хил машина ва ускуналар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда мамлакатга донг таратган турли касб эгалари мардонавор меҳнат қилаётирлар.

Еш рассом Р. Содиқов яқинда шу корхонада бўлиб, заводнинг манзарасини қаламга олди. Юқоридаги расмда Узбекистон саноатининг кўрки бўлган бу заводнинг умумий кўриниши чизилган. Иккинчи расмда корхонанинг мартен цехи тасвирланади. Учинчи расмда эса прокат цехидаги иш жараёнлари билан танишасиз.

Давримизнинг энг муҳим проблемаларини б а д и и й умумлаштириш, совет кишилари кўриб ўрнак ва ибрат олса арзийдиган қаҳрамонлар образини яратиш каби қатор масалалар драматург ва театрнинг муқаддас ишидир.

Шу нуқтаи назардан Мукимий номли театр ижодий коллективи яқинда саҳнага қўйган драматург Назир Сафаровнинг «Кимга тўй, кимга аза» спектакли диққатга сазовордир.

Асар ҳаётимизнинг модий бойликларини яратаётган ишчилар синфи ҳаёти, коммунистик келажак ғалабасини тезлатиш учун жанговар кураш олиб бораётган қаҳрамонларимиз ҳақида ҳикоя қилади. Драматург эскилик билан янгилик ўртасида бораётган кескин курашни хаспўшлаб ўтмасдан, аксинча қаттиқ тўқнашувда кўрсата олган.

Асар ва спектаклда ҳозирги куннинг қайноқ нафаси, отаиш руҳи яққол сезилиб турибди: Пьеса қаҳрамонлари Ҳасан, Иван Сергеевич Казаков, Онахон, Зуҳра ва бошқалар жамиятимиз